

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 2019 йил 22 февраль

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 11:00

Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси 9-уй.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 3 643 308 дона

Йиғилишда рўйхатга олинган овоз берувчи акциялар сони - 3 110 148 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 85,36 %

**Йиғилиш раиси: А.Раупов – Давлат Активларини Бошқариш
Агентлиги ишончли вакили(2019 йил 13
февралдаги 87/01-29-сонли ишончнома).**

Йиғилиш котиби: И.Гафурова

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
3. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибини қайта сайлаш.

СЎЗГА ЧИКДИЛАР:

Йиғилишни А.Раупов очди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 3 110 148 та овозга эга бўлган 1211 та акциядорлардан 3110148 та овозга эга бўлган 20 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,36 фоизни ташкил қилади. Йиғилишда кворум мавжуд ва йиғилиш ўтказишга ваколатли эканлиги эълон қилди.

Йиғилиш раиси йиғилишни очик деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга қўйди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Йиғилиш раиси йиғилишни ўтказиш учун Ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишни сўради.

“Ишчи Президиум 2 кишидан иборат бўлсин”, деган таклиф тушди ва овозга қўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

“Ишчи президиумига қуйидагилар сайлансин”, деган таклиф тушди:

**А.Раупов – Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги ишончли вакили,
йиғилиш раиси.**

А.Мирзаахмедов - “Фарғона ёғ-мой” АЖ бошқарув раиси.

Йиғилиш котиби: И.Гафурова

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

Йиғилиш раиси А.Раупов Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқлашни таклиф этди. Санок комиссияси Эргашев Икром, Махмудова Зуннур, Хакимова Розалар таркибида тузилган. Ушбу таклиф овозга қўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

Йиғилиш раиси санок комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон

қилди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масалага 10 минутгача, музокарага 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг 1-3 масалалари бўйича кўп овозли бюллетен, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар муҳокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокамасига ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Раупов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини, яъни И.Эргашев, Р.Ҳақимова ва З.Махмудовалар номзодини тасдиқлаш учун овоз бериш таклифини айтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Раупов сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш бўйича янги тасдиқланаётган кузатув кенгаши вазифаларини оптималлаштириш мақсадида жамият Кузатув кенгаши таркибини 9 кишидан иборат эканлигини, Кузатув кенгашининг 2019 йил 8 феврал кунги 9-сонли йиғилишида Давлат активларини бошқариш агентлигининг жамият Кузатув кенгаши номига ёзган 2019 йил 5 февралдаги 133/02-29-сонли ва 2019 йил 6 февралдаги 171/02-29-сонли хатларига асосан Кузатув кенгаши аъзолари таркибига киритиш учун қуйидаги номзодларни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилганлигини айтиб ўтди ва шу номзодларга овоз беришни таклиф қилди.

№	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг миқдори
1.	Мадаминов Фаррух Фарходович	3110148 дона, 100 %
2.	Раупов Абдурахмон Илхомович	3110148 дона, 100 %
3.	Қурбоналиев Санжар Сабриддинович	3110148 дона, 100 %
4.	Худайбердиев Камоллидин Устемирович	3110148 дона, 100 %
5.	Карабаев Козим Бахтиярович	3110148 дона, 100 %
6.	Камалов Аюбхан Арибжанович	3110148 дона, 100 %
7.	Бадриддинов Зиёвуддин Боситович	3110148 дона, 100 %
8.	Кариев Баходир Давранжанович	3110148 дона, 100 %
9.	Бутиков Игорь Леонидович	3110148 дона, 100 %

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Раупов сўзга чиқиб жамиятга сайланаётган тафтиш комиссияси таркибига Давлат активларини бошқариш агентлигининг жамият Кузатув кенгаши номига ёзган 2019 йил 5 феврал кунги 133/02-29-сонли хатига асосан қуйидаги номзодларни таклиф этди:

1.	Юсупов Авазжон Юнусжон ўғли	3110148 дона, 100 %
2.	Федорцов Олег Сергеевич	3110148 дона, 100 %
3.	Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўғли	3110148 дона, 100 %

Муҳокамадан сўнг “жамият тафтиш комиссиясининг янги таркиби рўйхат бўйича сайлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси А.Раупов акциядорлар томонидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг, йиғилиш раиси сўзни санок комиссияси раиси И.Эргашевга берди. И.Эргашев санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баёнини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:

Хақиқий деб топилган бюллетенлар сони 20 дона, яъни 3110148 та овоз.

Овоз бериш натижалари куйидагича:

Кун тартибидаги биринчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши**

КАРОР КИЛАДИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркиби тасдиқлансин.
2. Жамият кузатув кенгашига куйидагилар сайлансин:
Мадаминов Фаррух Фарходович, Раупов Абдурахмон Илхомович, Қурбоналиев Санжар Сабриддинович, Худайбердиев Камалиддин Устемирович, Карабаев Козим Бахтиярович, Камалов Аюбхан Арибжанович, Бадриддинов Зиёвуддин Боситович, Кариев Баходир Давранжанович, Бутыков Игорь Леонидович.
3. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркиби куйидаги рўйхат бўйича сайлансин:
Юсупов Авазжон Юнусжон ўгли, Федорцов Олег Сергеевич, Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўгли.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби

А.Раупов

И.Гафурова

Баённома 28.02.2019 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди.